

**КИМЁ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАТБИҚ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ****О.Ўринова***ФарДУкимё кафедраси ўқитувчиси*

Инсоният қадам қўйган навбатдаги ўн йилликлар фан-техника ва ишлаб чиқаришни ниҳоятда тез ривожланаётганлиги, шу билан бирга, атроф-муҳитни инқирозли ҳолатга келиб қолаётганлиги, айниқса, ижтимоий, маънавий муносабатлар мураккаблашиб бораётганлиги билан тавсифланмоқда. Бу эса кишилик жамиятининг эндиги тараққиётида ёшлар таълим – тарбиясига кўпроқ эътибор бериш зарурлигини кўрсатади.

“Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури”ни қабул қилиниши худди шу муаммо ечими бўйича айтиш мумкин бўлди. Лекин, шуни унутмаслик керакки, бу муҳим ҳужжатларда қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун, аниқроқ қилиб айтганда, ёшлар тарбиясида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий тайёргарликсиз, шунчаки курак чакриқ ва жонбозлик билан муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Республикамизда юқори савиядаги кадрлар тайёрлаш вазифасини муваффақиятли амалга оширишда таълимнинг барча бўғинларида, айниқса, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар мактабларида табиий фанлардан математика, физика, кимё ва биологияни ўқитишга, устивор йўналиш бериш зарурлигини ғарб мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари кўпроқ ана шу фанларни ривожлантириш ва чуқур ўқитиш ҳисобига фан ва технология соҳасида дунё миқёсида ютуқларга эришганликлари исботлади.

“Технология” атамаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришга кириб келган бўлиб, юнонча – “технос” (Techné) – санъат, ҳунар ва “логос” (logos) – фан деган маънони англатади. Демак, технологияни “ҳунар ва санъат ўргатувчи фан” деб аташ мумкин.

Ишлаб чиқаришда технология меҳнат қуроли воситасида ишчининг босқичма-босқич фаолият кўрсатиб, хом ашёни қайта ишлаб маҳсулотга айлантириш жараёнларини мажмуасидир. Агар бу ҳолатни педагогикага тадбиқ этсак, “ўқитувчи таълим ва тарбия воситалари ёрдамида талабаларга муайян шароитда босқичма-босқич таъсир кўрсатиб, уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шакллантириш жараёни”дир.

Талабаларнинг фанларга қизиқишини таъминлайдиган асосий омил мазмун ҳисобланади. Лекин ҳозирги фан-техника жадал ривожланаётган бир пайтда айтиш мумкин бўлган бир фаннинг ўқитиш мазмунини умумий тарзда белгилаш қийин эмас. Бундай белгилаш фанлар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида белгиланади. Масалан, кимё фанидан ана шундай давлат таълим стандарти ва ўқув дастури (7-9 синфлар учун) яратилиб, 2000-2001 ўқув йилидан амалга жорий этила бошланди ва шу асосда

7-8 – синфлар учун дарсликлар тайёрланди. Кимёвий фан ва техника, жумладан, кимё фани асосидаги ишлаб чиқариш, тўхтовсиз ривожланмоқда. Шунга мувофиқ, илмий ахборот ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда. Лекин дарсликларда фан асослари, кўп тажриба ва кузатишда исботланган қонун, тушунча ҳамда қоидалар сақланиб қолиши керак. Бундан ташқари, дарсликнинг амалда қўлланиш муддати чегараланган. Ўқув дастури ва дарслик камида беш йил амал қилиши керак. Агар уларни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш учун кетадиган 3-5 йил вақтни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, биз энг янги деб ҳисоблаган, яъни талаб даражасидаги дарслик ва дастур фан тараққиётидан 5-10 йил орқада қолади.

Худди шунингдек, таълим муассасаларидаги жиҳозлар (асбоблар, ишлаб чиқариш шакл ва моделлари, жадвал в.х.к. бошқалар), ҳатто компьютер ва уларнинг дастурлари эндиликда 2-3 йилда маънавий эскирмоқда.

Мазмун ва жиҳоз талаб даражасида ўз вақтида янгиланиши билан бир қаторда фанларни янги мазмун ва жиҳоз асосида ўқитишни амалга оширишга ўқитувчилар тайёрланиши талаб этилади. Бу ўз навбатида синовлардан ўтган мавзуларни ўқитиш услублари билан таъминлаш, таништириш муаммоларини келтириб чиқаради. Ана шу муаммолар назарда тутиландиган бўлса, замонавий педтехнология асосида ўқитиш ва ёшларни аниқ йўналиш, мутахассисликларига тайёрлаш кафолати қанчалик мураккаб муаммо эканлиги келиб чиқади.

Демак, математика, физика, кимё ва биология фанларини умумий таълим мактабларида, академик лицей, ҳам касб-ҳунар мактабларида ўқитиш мазмунини фақатгина дастур ёки дарслик билан замон талабида белгилаш етарли эмас. Бунинг учун бир неча вариантда ўқитувчи ва ўқувчилар учун алоҳида-алоҳида ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп китоблар, фан янгиликларини акс эттирувчи ойнома, ҳафталик газеталар бўлиши керак. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда чоп этилган фанларга доир турли хил китоблар, тест топшириқлари, саволлар тўпламларининг ўзбек тилидаги таржимасини нашр этиш зарур.

Таълимда жиҳоз масаласи алоҳида мавзу. Бу борадаги муаммолар билан мутасадди ташкилотлар, ҳомий жамоалар шуғулланиши керак.

Фандаги янги мазмун ва жиҳозни таълимга жорий қилиш учун эски ўқитиш услубларини ҳам янгилаш тақозо этилади. Буни дунёқараши кенг, кўп йиллик иш тажрибасига, замонавий билимига эга бўлган ўқитувчилар яратади. Уларга махсус шароит яратиб берилиши ҳамда, энг аввало, иқтисодий жиҳатдан таъминланмоқлари лозим.

Кимё фанларини ўқув юрларида, айниқса, академик лицейларда юқори савияда ўқитиш кўп жиҳатдан талабалар танловига боғлиқ. Ҳозирги кунда улар асосан тест синови билан қабул қилинмоқда. Бундай танловнинг ижобий томони, хусусан, демократик нуқтаи назардан жуда юқори. Лекин унда фақат икки жиҳати назарга олинади: ёш хусусияти ва билим даражаси. Бу ерда ёш хусусияти тушунарли: мулоҳазага ўрин йўқ. Аммо шундай касб, мутахассисликлар борки, уларда абитуриентнинг билим даражасинигина аниқлаш етарли эмас. Буни қуйидаги

мисоллар билан тушунтириш мумкин. Масалан, шифокорлик йўналиши бўйича жарроҳлик касбини танлаган ўқувчи асосан кимё ва биологиядан эгаллаган билими бўйича олий ўқув юртига ўқишга кирази деб фараз қилайлик. У умрида лаборатория шароитида мурдани кўрмаган ёки бирон марта бақанинг қорнини ёриб кўрмаган бўлса, унинг дастлабки амалий машғулотлардаги ҳолати касбни тўғри ёки нотўғри танлаганлигини аниқлаб беради. Худди шунингдек, ҳуқуқшунослик йўналишларини танлаган ўқувчилар тарих ва инглиз тилидан синовдан ўтади. Олий ўқув юртларининг бошқа мутахассисликлари бўйича танловлари ҳақида ҳам ана шундай мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Тест синовида ёшларни қайсидир мутахассисликка мойиллиги, туғма қобилияти, экспериментларга лаёқатини аниқ ҳисобга олиш қийин. Ижодий имтиҳонлари бор йўналишлар бундан мустасно, албатта.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида кимё дарслиklarининг муқобил вариантларини яратиш ва ўқув жараёнида қўллаш таълим сифатини ошишига яқиндан ёрдам беришини унутмаслигимиз керак.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Кимё фанларини замонавий педагогик технология асосида барча ўқув юртларида замон талаби даражасида ташкил этиш таълим илмий ва тарбиявий тартибга ҳамда талаба ва ўқитувчи танловига боғлиқ. Шунингдек, барча таълим тизимидаги талабаларни, ўқувчиларни ўқишдан ташқарига чалғитувчи иккинчи даражали нарсаларга ва ўқитиш мазмунидан йироқ турли хил тадбирларга жалб қилмаслик ҳам ўқиш-ўқитиш тизимидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда, юксак самарадорликка эришишда муҳим бир шартдир.